



FRANCE



FRANCE

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШДАГИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

Халиков Содикжон Салихджанович¹

Халиков Сарвар Салихджанович²

¹ Тошкент давлат транспорт университети доценти,
техника фанлари номзоди
(Тошкент, Ўзбекистон)

² Тошкент давлат транспорт университети асистенти
(Тошкент, Ўзбекистон)


<https://doi.org/10.5281/zenodo.6613779>

Ҳозирги давр талаби энергия ресурсларни иқтисод қилишга ундамоқда. Уларни сифатли етказиш ва хизмат турларининг сифатини ошириш ва электр энергия таъминотида назорат қилишини автоматлаштирилган тизимида амалга ошириш дозарб масала бўлиб келмоқда. Ушбу мақолада электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат қилишдаги автоматлаштирилган тизими (ЭЭҲНАТ) ни замонавий технологиялар асосида назорат қилиш ва ноқонуний энергия истеъмолини чеклаш мақсадида керакли изланиш ва таҳлиллар натижасида янги схемалар таклиф этилди. Бунинг натижаси албатта 1-расмда тасвирланган. ЭЭҲНАТни турли хилдаги корхона ва маҳаллий регионларига электр энергияни етказиш ва сотиш учун энг афзал воситалар танланган. Ушбу схема структура кўринишида баъзи бир маълум бўлган техник тўхтамлар кўрсатилмаган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ЭЭҲНАТ ҳисобга олиш терминаллари ТП га ўрнатилади. ТП стандарт бир неча элементлардан ташкил топган. F1÷F8 сақлагичлари (предохранитель), трансформатор, улаб-узгич, ток трансформаторлари (ТТ) ва бошқалар. ТП электр энергияни бошланғич ҳолатларда трансформатор подстанцияларидағи индивидуал энергия яъни фидерлардан (1-фидер, 2-фидер) 10 кВ 3 фазалидан электр токи маҳсус трансформатор ёрдамида 0,4 кВ 3 фазалига айлантирилади. ТТ лар ҳар бир фазадаги ток миқдори ЭЭҲНАТ тизимининг терминалига узатилади. Маҳсус GSM антенна ёрдамида базали мобил радиостанцияга (БМТ) симсиз каналлар орқали маълумот узатилади. БМТ га терминал дастурлаб белгиланган вақт ичida маълумотларни узатиб туради. БМТ тўпланган маълумотларни Интернет тармоғидан электр энергия марказининг серверига узатади. Сервер копьютери юқори текникларда ишловчи ЭҲМ ҳисобланади. Ушбу копьютер ўз WEB сайтига эгадир. Ҳар



бир истеъмолчининг абонент рақами орқали маълумотлар, маълумот базасига тўпланади. Ушбу маълумотларни махсус ишчилар автоматлаштирилган иш жойидан (АИЖ) олиб қайта ишлашлари ва ведомост кўринишида махсус дастурлар орқали қоғозга босиб чиқаришлари мумкин. Сервердан АИЖ компьютерларига локал SWITCH модеми ёрдамида тақсимланади.




1-расмда. ЭЭХНАТни ташкил этишнинг

қисқартирилган структура схемаси

Ушбу схемада кўриниб турибдики, хар бир истеъмолчи абонент Интернет тармоғи орқали ўз ҳисоб рақами ёрдамида ҳисоблагич қўрсатгичини аниқлаш мумкин.

2-расмда ЭЭҲНАТнинг СЕ 301 рақамли ҳисоблагичи орқали жиҳозланган ҳисоблаш терминалли. У асосий: СЕ 301 рақамли ҳисоблагичи, тажриба блоки БИ-9, GSM-антенна ва GSM/EDGE/GPRS-модем қурилмаларидан ташкил топган. Ҳамма қурилмалар маҳсус герметик қутига маҳкамланади. БИ-9 ва СЕ 301 рақамли ҳисоблагичини коммутациялаш учун биттали мисим қўлланилади. Трансформатор пунктига (ТП) ўрнатилган терминал кутиси ТП корпусига ўрнатилиб заминланади.



2-расм. ЭЭҲНАТ ни ҳисобга олиш терминалини кўриниши

Қоида бўйича юклама амперини рақамли ҳисоблагичга ўтказувчи ҳар бир ток трансформаторлари (ТТ (TT1, TT2, TT3)) ҳар бир фазе бўйича ўранатилади (3-расм). Масалан, агар истеъмолчи максимал 300 А ли истеъмолга эга бўлса, ТТ 300А/5А русумини танлаш керак, яъни ТТ 300 Агача бўлган ток қийматини 5 А га айлантиради. Шунинг учун ТТ лар юкламага нисбатан танланади.



FRANCE

MODELS AND METHODS IN MODERN SCIENCE


International scientific-online conference



FRANCE

Ушбу схемада БИ-9 тажриба блоки күпқутбели ажратгичлардан ташкил топган бўлиб, ўлчов асбоблар, автоматика қурилмалари ҳимоялаш ва занжирларда ҳимоя релеси сифатида кенг қўлланилади.

СЕ 301 рақамли ҳисоблагичи GSM/EDGE/GPRS-модемига боғланган. Ҳосил қилинган маълумотлар SMS ёки интернет тармоғига тўғридан-тўғри EDGE/GPRS каналлари орқали боғланиш учун SIM-карта ўрнатиласди. Турли хил қурилма ва юкламали истеъмолчилар маълумотларини ажратилган GSM каналлари орқали амалга оширилиши керак. Шунинг Ўзбекистон Республикасида илк бор мобил компаниялар ичида "Ucell" компанияси «Data-format» пакетини тақдим этди. Бундан ташқари, маълумотлар режалаштирилган назорат ўтказиш вақтида текширув ўтказиш учун терминалнинг СЕ 301 рақамли ҳисоблагич тугмалари орқали қўл билан амалга оширса бўлади.



З-расм. ЭЭҲНАТ ҳисоблаш терминалини принципиал схемаси

Шундай қилиб, ЭЭҲНАТ ни телекоммуникация ва компьютер технологиялари ёрдамида бошқариш ва назоратлаш ҳозирги кунда катта муаммоли масалалардан бири истеъмолчилар электр энергия ҳисобини аниқлашда тузиладиган хужжатлар ва ортиқча назорат вақтлари қисқаради ва ишончли усулда маълумот олинади.